

Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 1 боб, 2-модда.



ERURSEN SHOH, AGAR OGORSEN SEN, AGAR OGORSEN SEN, SHOHSEN SEN

# Хабар

45  
(1051)-son

9-noyabr

www.xabar.uz  
info@xabar.uz

2012

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ALOQA, AXBOROTLASHTIRISH VA TELEKOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARI DAVLAT DO'MITASI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

## Ягона ойна

Республикамиз бўйлаб  
яна 12та савдо шохобчалари очилди

Шу йилнинг 3 ноябр куни "Ўзбектелеком" АК филиаллари томонидан Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида яна жами 12та янги "Ягона ойна" шохобчалари очилди. Шохобчаларнинг очилиш маросими Ангрэн шаҳрида ҳамда 12та янги сотув шохобчаларида ўрнатилган видеоконференцалоқа воситасида бир пайтнинг ўзида ўтказилди.

Очилиш маросимида шаҳар ва туман ҳокимлиги вакиллари, "Ўзбектелеком" АК раҳбарияти, компаниянинг минтақавий филиаллари ходимлари, шунингдек, жамоатчилик ва ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Анъанага кўра, "Ягона ойна" шохобчаларининг ишга туширилиши тимсоли сифатида рамзий тугма босилди.



5-бет

### Сўнги янгилик!

Gmail — дунёдаги энг оммавий почта сервиси. Илк мартаба асосий рақобатчиси бўлмиш Hotmail (Microsoft) хизматини орта қолдирган Google Gmail октябр ойида шу шарафга сазовор бўлди.

ComScore таҳлил компанияси маълумот беришича, октябр ойида Gmail 287,9 млн. нафар хос фойдаланувчиларига эга бўлган, Hotmailга эса 286,2 млн. киши мурожаат қилган. Учинчи ўриндаги Yahoo Mail 281,7 млн.та фойдаланувчисига эга.



Алоқа оламида

### Ушбу сонда:

|   |    |
|---|----|
| ■ Кун тартибида:<br>Битирувчиларни иш билан таъминлаш | 2  |
| ■ Конун ва ижро                                       | 3  |
| ■ "Электронная автошкола" появилась в Узнете          | 6  |
| ■ Кабел телевидениеси: Таҳлил                         | 11 |
| ■ UNICON.UZ — 20 йил                                  | 12 |
| ■ Юз билан юзлашган момо                              | 14 |

Теледастурлар, спорт, сканворд

## Jumadan Jumagacha

Араб мувофиқлаштириш гуруҳи делегациясининг юртимизга ташрифи доирасида 6 ноябр кунги Тошкентда мамлакатимизнинг тегишли вазирлик ва идоралари вакиллари иштирокида мажлис бўлиб ўтди. Унда Араб мувофиқлаштириш гуруҳи аъзолари — Ислон тараққиёт банки, Саудия тараққиёт жамғармаси, Кувейт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси, ОПЕКнинг Халқаро тараққиёт жамғармаси, Абу Дабби тараққиёт жамғармаси вакиллари иштирок этди. Анжуман якунида мамлакатимизнинг тегишли вазирлик, идора ва компаниялари билан Араб мувофиқлаштириш гуруҳига аъзо муассасалар ўртасидаги ҳамкорликка оид қатор ҳужжатлар имзоланди.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Буюк Британия парламенти-нинг "Британия-Ўзбекистон" умумпартиявий гуруҳи раиси, лорд Жон Вейверли 5 ноябр кунги Тошкент Халқаро Вестминстер университетида бўлиб, мазкур олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди. Жон Вейверли университетдаги ўқув тизимига, талабаларнинг пухта билим олиши учун яратилган қулай шарт-шароитларга юксак баҳо берди. Ўзбекистонда барча соҳаларда, жумладан, гуманитар соҳада ҳам улкан муваффақиятларга эришилётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида ташкил қилинган йиғилишда Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги ҳамда "Ноширлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуллариининг Андижон ва Сирдарё вилоятларида ижросини назорат-таҳлил тартибида ўрганish якуллари ҳақида"ги қарори ижроси муҳокама қилинди.

Ургач шаҳрида Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигининг 20 йиллигига бағишлаб "Ўзбекистон — умумий уйимиз!" шiori остида маданий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда иштирок этган Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Чон Де Ван давлатларимизнинг қадимий алоқалари, ўзаро маданий-маърифий ҳамкорлиги, халқларимизнинг миллий кадриятлари ҳамда аъёналари ҳақида сўз юритди. Анжуманда Хоразм вилоятида яшаётган 400 нафардан зиёд турли миллат ва элат вакиллари қатнашди.

"Ўзбекистон маданияти ва савияти форуми" ҳамда "Камалак" болалар ташкилотини ҳамкорлигидан аъёнани тарзда ташкил қилинаётган "Янги авлод" республика болалар ижодий фестивалининг саралаш босқичлари Самарқанд, Жиззах, Навоий, Хоразм, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида юксак савияда ўтказилди.

Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида "World Travel Market-2012" халқаро сайёҳлик кўргазмаси очилди. Мазкур кўргазмада Ўзбекистоннинг туристик салоҳияти ҳам кенг намойиш этилмоқда. "World Travel Market-2012" кўргазмасида икки юзга яқин мамлакатдан беш ярим минта яқин сайёҳлик фирма ва компаниялари, йигирма уч мингдан зиёд соҳа вакиллари, эксперт ва олимлар иштирок этмоқда. Кўргазмада мамлакатимизнинг "Ўзбектуризм", "Ўзбекистон ҳаво йўллари", "Ўзбекистон темир йўллари", "Afsona Travel", "Orient Voyage", "Megatour", "Asiatour" ва бошқа компания ҳамда фирмалари қатнашаётди.

# Кун тартибида: Битирувчиларни иш билан таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Ҳайъатининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Ҳайъат раиси Х.Мирзахидов бошқарди.

Мажлисида дастлаб "2011-2012 ўқув йили ТАТУ бакалавр ва магистр битирувчилари ҳамда ТАТУ 2012-2013 ўқув йили қабул натижалари таҳлили ва ўқув жараёнининг ташкил этилиши ҳақида"ги масала кўриб чиқилди. Мазкур масала бўйича Тошкент ахборот технологиялари университети ўқув ишлари бўйича биринчи проректори Т.Тешабоевнинг ахбороти тингланди.

Ахборотчининг маълум қилишича, ТАТУ ва унинг филиалларида 2011-2012 ўқув йили битирувчиларининг ишга жойлаштирилишини ташкил этиш мақсадида жорий йил март ойида университетнинг ҳар бир факултети бўйича тақсимот комиссияси тузилиб, битирувчи талабаларни ишга тақсимоли ўтказилган. Шунингдек, университет ва унинг ҳудудий филиалларида шу йилнинг 2 ва 9 июн кунлари "Бўш иш ўринлари ярмаркаси" ташкил этилди. Ярмаркада университет ва филиаллар бўйича 6700дан ортик университет ва соҳага бириктирилган касб-хунар коллежалари битирувчиси қатнашди.

Ҳозирги кунда университетда бакалаврлик бўйича 1125 битирувчидан 798 нафари (71 фоизи), филиаллар бўйича 814 бакалавр битирувчисидан 720 нафари (88,5 фоизи) соҳа корхоналари ва бошқа ташкилотларга ишга жойлашган. Университет ва филиаллар бўйича 89 нафар бакалавр магистратурада ўқишни давом эттирмоқда. Битирувчилардан бола парвариси таътилида, муддатли ҳарбий хизматга чақирилган, касаллиги туфай-

ли ишламаётганлар ва республикадан ташқарига чиқиб кетганлар сони 49тани ташкил этади.

Университетда магистрларнинг 139таси (69,5 фоизи) ва Фарғона филиалида 20таси (95 фоизи) ишга жойлашган.

2012/2013 ўқув йилида ТАТУ ва унинг ҳудудий филиалларида жами 16172та абитуриент ариза топширди. Қабул режаси бўйича 2346 талаба ўқишга қабул қилинди. Университетда "Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик", "Ахборот ўлчов тизимлари" ҳамда "Компютер графикаси ва дизайн" каби янги очилган мутахассисликларга бакалаврлар ҳамда университетнинг Фарғона ва Самарқанд филиалларида иккита: "Касб таълими", "Компютер тизим-

лари ва уларнинг дастурий таъминоти" мутахассисликлари, Нукус филиалида битта: "Компютер тизимлари ва уларнинг дастурий таъминоти" мутахассисликлари бўйича магистрлар қабул қилинди.

ТАТУ ва унинг ҳудудий филиалларининг магистратурасига жами 656 нафар абитуриентдан ариза тушди. Ушбу ўқув йили қабули натижасига кўра, 244 талаба магистратурага қабул қилинди.

Ҳайъатда "Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ва Вазирлар Маҳкамасини ахборот билан тезкор таъминлаш учун интеграциялашган ахборот тизимларини яратиш, шунингдек, давлат органлари ахборот тизимлари билан уларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида" UZINFOCOM маркази директори Ж.Рахимов ахборот берди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарори билан UZINFOCOM маркази Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ва Вазирлар Маҳкамасини ахборот билан тезкор таъминлаш учун интеграциялаштирилган ахборот тизимларини яратиш, ривожлантириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, давлат органлари ахборот тизимлари билан уларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш бўйича жавобгар ташкилот этиб белгиланди. UZINFOCOM маркази раҳбари бу борада қилинган ишлар, муаммо ва камчиликлар ҳамда муҳим вазифалар ҳақида батафсил сўз юритди.

Ҳайъатда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ҳозирги кунда университетда бакалаврлик бўйича 1125 битирувчидан 798 нафари (71 фоизи), филиаллар бўйича 814 бакалавр битирувчисидан 720 нафари (88,5 фоизи) соҳа корхоналари ва бошқа ташкилотларга ишга жойлашган.


## Стипендия муборак!

Фанларни ўзлаштиришдаги юқори кўрсаткичлари, олиб бораётган илмий-тадқиқот ишлари, танловларда ташаббус кўрсатганликлари ҳамда намунали хулқи ва интизомлиги учун 2012/2013 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2012 йил 29 октябрдаги 7-буйруғига биноан, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда унинг ҳудудий филиалларининг қуйидаги талабалари қўмитанинг стипендиясини олишга муваффақ бўлдилар.

1. Сунбула Шахзодовна Ахмедова — ахборот технологиялари факултети 3-босқич талабаси.
2. Руслан Жолдасбаевич Аллаберганов — ахборот технологиялари факултети 2-босқич магистри.
3. Бахтиёр Қаюмович Ризаев — телекоммуникация факултети 3-босқич талабаси.
4. Бекбосин Кушкинбаевич Калмурагов — Нукус филиали ахборот технологиялари факултети 4-босқич талабаси.
5. Алишер Хасанбаевич Мадрохимов — Фарғона филиали ахборот технологиялари факултети 3-босқич талабаси.
6. Нигора Йўлдош кизи Раҳмонова — Самарқанд филиали ахборот технологиялари факултети 4-босқич талабаси.
7. Нилуфар Илхомовна Худойберганова — Ургач филиали ахборот технологиялари факултети 3-босқич талабаси.

Стипендиантларни табриклаб, ўқишларида муваффақиятлар тилаб қоламиз!


### XABAR LUG'AT



**Аккаунт** (инг.л.: "account") — Сўзма-сўз таржимаси — "қайд ёзуви". Компютерда сақланадиган фойдаланувчи тавсифи. Одатда у фойдаланувчининг тармоқдаги номи, ҳақиқий ном, парол, фойдаланувчи ҳуқуқлари ва уй каталогининг номи (агарда бор бўлса)дан иборат бўлади.

**AVI (Audio-Video Interleaving)** — Аудио ва видеони галма-гал улаш формати. "Майкрософт" корпорацияси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, бу форматда видеотасвир билан синхронлашган товушни сақлаш мумкин.

**DVD (Digital Video Disk)** — таржимаси — "рақамли видеодиск". Ихтиёр турдаги маълумотдони ёзишга мўлжалланган катта ҳажмли рақамли диск.



Жорий йилнинг 2 ноябр куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан ҳамкорликда "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалиётга жорий этиш: долзарб вазифалар" мавзuida семинар ўтказди.

Семинарда сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, мамлакатимизда Президентимиз Ислоом Каримов раҳнаомлигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш асосида мутлақо янги типдаги ахборот-кутубхона тизimini яратиш борасида тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Мазкур соҳада қабул қилинган "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги Қонун аҳоли, айниқса, ёшларнинг интеллектуал, маданий ва билим олишга бўлган эҳтиёжларини ҳар томонлама таъминлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва дастурий маҳсулотлар асосида ахборот-кутубхона ресурсларини шакллантириш ҳамда ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни ташкил этишда муҳим омили бўлмоқда.

Нотиқлар ўз чиқишларида "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни аҳамияти ва амалиётга жорий этиш бўйича амалга оширилган ишлар хусусида батафсил ахборот бердилар. Жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари асосида принципиал янги ахборот-ресурс марказларини ташкил этиш; ахборот-кутубхона муассасаларини ягона ахборот тизими орқали бирлаштириш ва масофадан туриб ахборот-кутубхона ресурсларидан ўзаро фойдаланишни таъминлаш; ахборот-кутубхона фаолияти соҳасида кадрларни тайёрлаш, кайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мавзuida маърузалар тингланган.

Аҳолига замонавий ахборот технологиялари асосида ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишнинг янги босқичга ўтишини таъминлаш, ёш авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини қондириш, маданий-маърифий кадрларни, таълим ҳамда аҳоли ва ўқувчиларнинг мустақил билим олиш тизimini мустаҳкамлаш мақсадида 2011

йил 23 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2011-2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари асосида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматларини янада сифатли ривожлантириш чоралари тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан "Ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ва кутубхоналарда тўлиқ матили электрон ахборот-кутубхона ресурслари фондини яратиш тўғрисида"ги қарор қабул қилиниб, "Электрон кутубхона тўғрисида"ги Намунавий низом тасдиқланди. Ахборот-кутубхона муассасаларининг самарали фаолиятини таъминлаш, ахборот-кутубхона ресурсларини рақамлаштириш бўйича қатор таъкидлий-техник чора-тадбирлар амалга оширилди.

Амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар натижасида, республикада ахборот-кутубхона муассасаларининг умумий сони 12 мингдан ортди, шу жумладан, ахборот-кутубхона марказлари 14та, ахборот-ресурс марказлари 2863та, давлат ҳокимияти, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари кутубхоналари эса 9000дан кўндир.

Кутубхоначилик соҳасига замонавий компютер ва мультимедиа технологияларини жорий этиш орқали ахборот-кутубхона муассасаларида тўлиқ матили электрон ресурсларни ўз ичига олган электрон каталог орқали маълумотларни тезкор излаш имкониятини таъминловчи автоматлаштирилган тизим жорий этилди. Шунингдек, халқаро тажрибани ва кутубхона фойдаланувчиларининг, энг аввало, ёшларнинг эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, ахборот-кутубхона муассасаларида ихтисослаштирилган электрон кутубхона ва мультимедиа технологиялари заллари ташкил эти-

либ, интернет ва "ZiyoNET" тармоғидан фойдаланиш имконияти таъминланди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг мухташам бинноси бунёд этилиб, мазкур

лаш, ахборот-кутубхона ресурсларидан масофадан туриб фойдаланишни, шунингдек, етакчи хорижий ахборот-кутубхона фондларининг маълумотлар базасига улашниши ўз ичига олган ҳолда фойдаланувчиларга тақдим этиладиган электрон хизмат кўрсатиш шакллари ва илгор дастурий маҳсулотларни тизимли асосда жорий этиш, ахборот-ресурслари ва электрон нашрларнинг йиғма электрон каталогини ташкил этиш орқали кутубхона фаолиятининг барча жараёнларини автоматлаштириш юзасидан аниқ тақлиф ва мулоҳазаларни бидиришди.

Ўтказилган тадбир мамлакатимизда ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятидаги мавжуд ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни амалиётга жорий этиш жараёнидаги ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда ҳозирги замон талаблари ва халқаро стандартларга мос равишда миллий ахборот-кутубхона тизими фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қатор тақлифлар ишлаб чиқишга имкон берди.

Жумладан, ахборот-кутубхона муассасаларининг ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш, электрон ресурслар базасини яратиш ва китобхонларга тезкор етказиш, янги замонавий ахборотни етказиш шакллари ишлаб чиқиш ва, айниқса, соҳа кадрларини тайёрлаш ва кайта тайёрлашни йўлга қўйиш, шунингдек, касб-ҳунар коллежлари ва мактаблардаги ахборот-ресурс марказларини махсус маълумотли кадрлар билан таъминлаш, қўн йиллик тажрибига эга бўлган ўрта махсус маълумотли мутахассисларни ишдан ажралмаган ҳолда олиқ маълумот олиш учун сиртки таълим олишни йўлга қўйиш, соҳада илмий изланиш олиб бораётганлар учун Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонада илмий кенгаш ташкил этилиши каби тақлифларни келтириш мумкин.

**Хафиза КАРИМОВА,**  
Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлиси Қонунчилик палатаси  
депутати, ХДП фракцияси аъзоси

# Қонун ва ижро

## DEPUTAT MINBARI

**Амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар натижасида, республикада ахборот-кутубхона муассасаларининг умумий сони 12 мингдан ортди, шу жумладан, ахборот-кутубхона марказлари 14та, ахборот-ресурс марказлари 2863та, давлат ҳокимияти, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари кутубхоналари эса 9000дан кўндир.**

маърифат масканида китобхонлар учун барча имконият ва қулайликлар яратилди. Семинарда Миллий кутубхонани илгор ахборот-компютер технологиялари билан жиҳозлаш, миллий ва хорижий ахборот-кутубхона фондларидан кенг фойдаланиш имконини берадиган, замонавий, мутлақо янги, энг юқори халқаро стандартларга жавоб берадиган ахборот-ресурс маркази сифатидаги самарали фаолиятини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган ишлар хусусида йиғилганларга батафсил ахборот берилди.

Семинарда сўзга чиққанлар, ахборот-кутубхона муассасаларининг фондларини шакллантириш, уларнинг сақланишини таъмин-

рот технологиялари университетини биттирган талабалар билан суҳбатлар ўтказилиб, уларни ишга қабул қилиш бўйича аниқ тақлифлар бериб борилмоқда. Ўтган йилда ТАТУнинг магистратурасини биттирган ёш мутахассис ишга қабул қилинди. Яна янги мутахассисни ишга қабул қилиш тўғрисида тақлиф берилган.

Соҳа йўналиши бўйича Навоий информатика ва электроника саноати касб-ҳунар ва Зарафшон компютер технологиялари касб-ҳунар коллежларида тахсил олаётган ёшлар ўртасида ўқув машғулотлари ўтказилиб, уларнинг амалиёт ўташлари учун шарт-шароитлар яратиб берилади. Уларнинг ишга жойлаштириш учун уч томонлама тузилган шартномага асосан иш олиб борилмоқда.

Электромангнит мослашув хизмати ҳодимларига моддий ёрдам кўрсатиш, уларни кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан мунтазам таъминлаш ҳам яхши йўлга қўйилган. Радиотелевизион узатиш маркази ҳудудида 12 сотих ер олиниб, мевали ва манзарали дарахтлар экилиб, боғ барпо этилган.

Қисқа қилиб айтганда, Навоийда электромангнит мослашув хизмати ҳар томонлама замонавий босқичга кўтарилган.

**Маруся ҲОСИЛОВА,**  
"Xabar"нинг  
Навоий вилоятидаги мухбири

# Навоий ЭММХ: Замонавий босқичларда

Навоий вилояти Электромангнит мослашув хизмати Ўзбекистон Республикасининг "Радиочастота спектри тўғрисида"ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг Частота спектридан фойдаланиш телерадиодастурларини шакллантириш ва тарқатиш ҳамда маълумотлар узатиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиочастоталар спектри ва радиоэлектрон воситалардан фойдаланишни тартибга солиш тартиби тўғрисидаги низомлар ва бир қатор меъёрий ҳужжатлар асосида фаолият юритилмоқда.

Шунингдек, вилоятда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йилдаги "Ўзбекистон Республикасида радиомониторингни кенгайтириш тўғрисида"ги 1041-қарорига асосан Навоий ва Зарафшон шаҳарларида Радионазорат пунктлари ўрнатилган. Қўлда олиб юриш учун портатив қурилмалар FSH-3, FSH-18, ПР-100 ва бир нечта антенна қурилмалари олинган ва вилоятда радиоэлектрон воситалар мониторингини олиб бориш ҳамда эфирни назорат қилиш учун қулай шартно яратилган.

Ўтган йил мобайнида ҳуқуқ-тартибот органлари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Навоий ҳудудий бошқармаси, Давлат алоқа инспекцияси, вилоят Давлат солиқ бошқармаси, вилоят ички ишлар, боғхона бошқармалари, Солиқ ва валотга оид жиноятга ва жиний даромадларни легаллашти-

ришга қарши курашиш департаменти билан ҳамкорликда тузилган режа асосида бирмунча ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда 97 мартаба рейд ўтказилган бўлиб, рейдлар жараёнида 166 дона ноқонуний фойдаланилаётган радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалар аниқланган. Шулардан 36 донаси ҳуқуқ тартибот органлари томонидан олиб қўйилган. 103тасига "Электромангнит мослашув маркази" ДУК томонидан фойдаланиш учун рұхсатномалар берилган. 10 тасига фойдаланиш ман этилган. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 64 мартаба рейд ўтказилиб, 369та ноқонуний ишлаётган радиоэлектрон воситалар аниқланган ва ҳужжатлар расмийлаштирилган.

Электромангнит мослашув хизматида эфир назорати бўйича 388 дона ноқону-

ний эфирга чиқувчилар сони рўйхатга олинган бўлиб, шулардан 382таси радионазорат пунктида, 6таси мобил станцияси орқали аниқланган. Рўйхатга олинган 1626 мартаба ноқонуний эфирга чиқувчилардан 1467таси радионазорат пункти орқали ва 159таси мобил станцияси орқали аниқланган. Аниқланган ноқонуний эфирга чиқувчиларнинг 1243таси вилоят ҳудудида, 24таси қўшни вилоят ҳудудида, 354таси эса қўшни мамлакат ҳудудларидан кириб келган сигналлар ҳисобланади.

Бу каби ноқонуний ҳаракатлар тезда бартараф этилиб, тегишли чоралар қўрилмоқда, — дейди вилоят Электромангнит мослашув хизмати бошлиғи Иброҳим Маҳмудов. — Шунингдек, рұхсатнома мұддатидан ўтган радиоэлектрон воситаларнинг эгаларига оғохлантириш берилган ва барчасининг мұддатидан узайтирилган. Вилоятда частота спектридан фойдаланиш учун тўловлар вақтида амалга оширилмоқда — 2011 йилда радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалар томонидан 7 512 514, 64 сўм пул тушуми рўйхатдан ўтган. Бу маблағлар вилоятда радиомониторингни кенгайтириш учун замонавий антенна қурилмалари олишга сарфланган.

Замонавий билимларни эгаллаган ёш мутахассисларни ишга қабул қилишга ҳам эътибор берилмоқда. Тошкент ахбо-

## Xalqaro haqot



Барак Обама Республикачи ракиби Митт Ромнини мағлуб этиб, АҚШ президентлигига иккинчи муддатга сайланди. У сайловчиларнинг голиб чиқиш учун зарур бўлган 270та овозини йиғишга муваффақ бўлган. Чикагода ўз тарафдорлари қаршида галаба нутқини қилган жаноб Обама Митт Ромни билан АҚШни янада ривожлантириш бўйича суҳбатлашини айтган ва ўз рақиблирини бирга ишлашга қақирган.

Демократлар 2007 йилдан бери Сенатда эгаллаб келатган аксар ўринларни ҳам сақлаб қолишган, Республикачилар эса Вакиллар палатаси устидан назорат қилишмоқда.

Жаноб Обама байрам кайфиятидаги тарафдорларини табриклади ҳамда жаноб Ромни ва вице-президентликка номзод Пол Райяни олиб борган курашлари учун олқишлади. "Биз яна қайта оёққа турдик ва чин дилдан биланмазми, Америка Қўшма Штатларини ҳали бундан-да ёрқин қушлар кутмоқда. Биз ҳаммаимиз бир америкалик оила фарзандларимиз", — деди Обама.

Бостонда нутқ сўзлаган Ромни мағлубиятни тан олар экан, президентни табриклади. У ҳукуматнинг бюджет дефицитини камайтириш, солиқлар бўйича қонуларни созулаш ва миграция тизимини ислоҳ қилиш йўлида Конгрессдаги Республикачилар билан бирга ишлашга ваъда берди.

**АФГОНИСТОН** Марказий сайлов комиссияси раиси Фозил Аҳмад Маънавий толиблар ва бошқа қуроли гуруҳлар вакиллари ҳам 2014 йилда бўлиб ўтадиган президентлик сайловда қатнашиши мумкинлигини билдирди. "Биз қуроли муҳолифларга сайловда қатнашишни таклиф этамиз. Улар номзод ҳам, оддий сайловчи ҳам бўлишлари мумкин", — деди Маънавий.

Айни пайтдаги президент Ҳамид Карзайнинг иккинчи муддати ниҳосига етса, маҳаллий қонунчиликка биноан қайта сайлана олмайди. Сайлов 2014 йилнинг 5 апрелида бўлиб ўтади. Агар иккинчи турга зарурат бўлмаса, сайлов натижаси 24 апрелда, акс ҳолда 28 майда эълон қилинади. 2013 йилнинг 6 октябрида номзодларни рўйхатга олиш тугайди.

**ХИТОЙ**лик олимлар тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш кўзга қатракта тушиши — кўз хиралашшига олиб келиши мумкин, деб таъкидламоқда. Узоқ вақт олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида маълум бўлишича, чекувчиларда чекмайданларга нисбатан кўзнинг ушбу турдаги касаллигига чалиниш хавфи анча юқори. Чжэцзян университети қошидаги Офтальмология институти вакилларининг сўзларига кўра, қатарактнинг ўз вақтида олди олинмаса ёхуд тўғри даволанмаса, кўрликка сабаб бўлиши мумкин. Шу боис экспертлар чеккидан бутунлай фориг бўлиш лозимлигини тавсия этмоқда.

**БМТ** Хавфсизлик кенгашининг Афғонистон-Толибон бўйича кўмитаси Покистонда жойлашган "Ҳаққоний" тармоғини ўз қора рўйхатига киритган. Мазкур гуруҳ Афғонистонга қарши ҳужумларда айбланмоқда — 2008 йил Қобулдаги меҳмонхоналардан биридаги саккиз инсоннинг умрига зомин бўлган ҳужум, 2011 йил "Интерконтинентал" меҳмонхонасининг нишонга олиниши шулар жумласидандир. Ушундан 11 оддий фуқаро ва икки полиция ходими ноубуд бўлган. Ҳисоботда "Ҳаққоний" тармоғи 2011 йили Қобулдаги АҚШ элчихонаси ва Халқаро Хавфсизлик Кўмак қучлари қароргоҳига қарши ҳужумларда ҳам масъул экани битилган. Ҳужумлар ортида турган тармоқ раҳбари Абдулрауф Зокирнинг ҳам номи қора рўйхатга тиркалган. У Афғонистоннинг Қобул, Тахор, Қундуз ва Бағлон вилоятларидаги барча амалиётларни бошқарган.

# Google Translateда янгилик

Google корпорацияси таржималар хизмати — Google Translateда унча катта бўлмаган, аммо муҳим ўзгаришларни амалга оширди. Уч босқичли бу янгилик ўзга тил вакилларига кўп маъноли сўзлар ва сўз қурилмалари ҳақида яхшироқ тушунча беради.

Биринчи йўналиш — Reverse Translations янги функцияси сўзини бир йўла бир нечта тилга таржима қилиш имконини беради.

Иккинчи йўналиш — Frequencies. Бу функция сўзнинг энг кўп тарқалган шаклини юзага чиқаради, бироқ у кам қўлланиладиган ёки муомаладан чиқиб кетган сўзларни ҳам таржима қила олади.

Учинчи йўналиш — Synonyms ҳозирча инглиз тилида ишляпти, у сўзларнинг синонимларини топишга ёрдам беради ва таржиманинг стилистик жиҳатдан тўғрилигини таъминлаб, сўз бойлигини оширишга хизмат қилади.



## АТ-хабарлар

**Х**итойнинг йирик China Mobile алоқа оператори мамлакатнинг глобал йўлдошли навигация тизими — "Бэйдоу" ("Компас") учун дастурий таъминот ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи саноатпарки қурилишини бошлаганини маълум қилди.

"Синхуа" агентлиги тарқатган хабарда мазкур лойиҳага киритилаётган сармоя 3 млрд. юан (480 млн. долл. атрофида)ни ташкил этиши айтилади. Ляонин музофотининг маъмурий маркази — Шяньянда мазкур парк учун 13 гектар ер ажратилган.

**Я**пан Display компанияси (Sony, Toshiba ва Hitachi ҳамкорлигидаги қўшма корхона) корозимон, ўта юққа, энергия тежовчи суюқ-кристалл дисплей ишлаб чиқди.

Янги ишланма турдош маҳсулотлардан экрани ёритилмаслиги билан фарқланади — у кўзга сингари ўзига тушган ташқи ёрувлик эвазига ишляпти. Дисплей қўлланилган ва рангли (турли филтрлар ҳисобига) турларга ажратилади.

"Касперский лабораторияси"нинг ахборот таҳдидларига бағишланган кузги ҳисоботида кўра, киберхавфсизлик борасидаги энг нуқсонли 10та дастур орасида энди Microsoftнинг бирорта ҳам маҳсулоти йўқ.

2010 йилнинг шу даврида бу "антирейтинг"нинг деярли ярмини Microsoft дастурлари (OneNote, Excel, Word, PowerPoint, Access) банд этганди. Эндиги ижобий ҳолатни "КЛ" мутахассислари Windows амалиётлар тизимининг охириги шаклларида автотангилаш механизмининг яхши йўлга қўйилгани билан изохлашяпти.

**А**ndroid мобил амалиётлар тизими жаҳон бозорларини забт этишда давом этапти: IDC компаниясининг маълумот беришича, 2012 йилнинг III чорагига келиб, унинг соҳадаги улуши 75 фоизга етган.

Энг яқин таъқибчилар — iOS ва BlackBerry 14,9 ва 4,3 фоизлик кўрсаткичларга эга.

Учинчи чорада жаҳон бозорларига 136 млн. дона Android-смартфонлар етказиб берилган. Жами ҳисоблаганда эса, шу уч ойда, турли амалиёт тизимлари ўрнатилган 181,1 млн. дона смартфон сотилган.

**Н**ewlett-Packard компанияси техник директори Шейн Робинсон истеъфода чиқди. У НРга компаниянинг машҳур бош директори Карли Фирорине даврида ишга келганди. Кузатувчилар Робинсон истеъфосини компаниянинг техник ва илмий-тадқиқот йўналишларидаги кадрлар алмашинуви сиёсати билан боғлашяпти.



Жорий йил апрел ойда HP Labs бўлими раҳбари Прит Банержи, орадан сал ўтмай компания эко-ишланмалар бўлими бошлиғи Чандракан Пател ҳам ишдан кетганди.

**М**ercury Research компанияси ўтказган тадқиқотга кўра, x86-процессорлар бозорига сўнги 11 йилда илк пасайиш кузатилди.

Процессорлар бозоридидаги вазият: биринчи ўринда — Intel (бозорнинг 83,3 фоизи), иккинчи ўринда — AMD (16,1 фоиз), "кучли учлик" қа кирган Тайваннинг VIA Technologies компанияси бозорнинг атиги 0,6 фоизини банд этган ва рақобатдан четда қолмоқда.

Mercury Researchнинг етакчи таҳлилчиси Дин Маккеррон x86-процессорларга талабнинг пасайишига, биринчи навбатда, жаҳон иқтисодиётидаги бўҳронлар, шунингдек, планшет ва смартфонларнинг кенг оммалашаётгани сабаб бўлаётганини таъкидлаган.

**Г**oogle интернет-компанияси Chrome браузерининг видео декодерлаш усули такомиллашган янги шаклини чиқарди. Янги браузер тизим ресурсларини тежамкорлик билан сарфлайди ва ноутбук, планшет каби мобил қурилмалар аккумуляторларини ортиқча энергия сарфлашдан (масалан, интернет-видео кўрганда энергия сарфи 25 фоизгача камайтири) муҳофазалайди.



# Ягона ойна

## Республикамиз бўлаб яна 12та савдо шохобчалари очилди

Видеоконференцалоқа орқали тадбирнинг барча иштирокчиларини Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Махсум Махмудов қўлади.

Эслатиб ўтамиз, жорий йил Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги байрами арафасида 21та "Ягона ойна" савдо шохобчалари очилганди.

### МУБОРАК

Муборак тумани марказида "Ягона ойна" тамойили асосидаги универсал телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи савдо шохобчаси ўз фаолиятини бошлади.

Янги марказнинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси, Муборак туман ҳокимлиги, кенг жамоатчилик вакиллари, жамоат ташкилотлари ходимлари, нурионийлар, туман алоқа корхоналари раҳбарлари ҳамда ёшлар иштирок эттишти.

Маросимни "Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиали директори Жуманазар Бозоров кىриш сўзи билан очиб, бу каби шохобчаларнинг мижозлар учун универсал хизматлар тақдим этишини таъкидлаб, аҳоли ҳамда ҳўжалик фаолияти юритувчи субъектлар учун афзаллик томонларига тўхтади.

Муборак туман марказида замонавий талаблар асосида қайта барпо этилган офис шинам ва кўркамлиги билан алоҳида ажралиб туради. Тест синовлари асосида танлаб олинган ёш мутахассислар мижозларга телефон алоқаси, интернет, CDMA стандартидаги мобил алоқа хизматлари савдосини ҳам кўрсатади. Бундан ташқари, IP-телефония, IPTV-интерактив телевидение хизматлари ҳам тақдим этилади.

Ҳудудий бошқарма бошлигининг ўринбосари Санжар Орипов, "ЎзИ-Қарши" филиали директори Холмирза Курбонов, Муборак телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Шухрат Бозоров, Муборак туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Шавкат Меҳмонов ва бошқалар сўзга чиқиб, Муборакнинг sanoat шахри эканлиги, вилоятнинг йирик иқтисодий салоҳиятга эга бўлган sanoat корхоналари мавжудлиги, янги марказнинг булар учун аҳамиятли томонлари тўғрисида тўхтади.

Бу ерда яратилган шарт-шароитлар мижозларга манзур бўлди. Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва бошқа жиҳозлар билан таъминланган шохобчада шу куннинг ўзидаёқ мижозларга хизмат кўрсатиши йўлга қўйилди.

Афтондил ИСМОИЛОВ,  
"Хабар"нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири

### ҚУМҚЎРҒОН

"Тошгузар-Бойсуи-Қумқўрғон" темир йўлида поездаларнинг ишчи ҳаракати бошлангандан бери Қумқўрғон тумани иқтисодий-иқтисодий ҳаётда туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Кейинги уч йил мобайнида фойдаланишга топширилган кичик корхоналар ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси шохобчалари қўлаб кишиларнинг доимий иш ўрнига эга бўлишига омили бўлди.

Янги темир йўл тақозоси билан туманда алоқа хизмати кўрсатишнинг сифат даражаси яхшиланишига эришилди. Ҳозир оптик талали кабел орқали замонавий алоқа воситаларидан фойдаланаётган мижозлар сафи йил сайин кенгайиб бормоқда.

3 ноябр кунини Қумқўрғонда яна бир қўлайлик яратилди. Туман телекоммуникациялар боғламаси қошида "Ўзбектелеком" АКнинг "Ягона ойна" тамойили бўйича янги савдо шохобчаси иш бошлади. Унинг очилиш маросими мамлакатнинг бир қатор туманлари каби видео-кўприкда намойиш этилди. Тадбирда Қумқўрғон тумани ҳокими Жалғаш Маматмўминов ва "Ўзбектелеком" АК Сурхондарё филиали директори Шермамет Шомуродовлар иштирок этиб, иштирокчиларнинг бу ишшооти ҳам тараққиётга хизмат қилишини алоҳида эътироф этишди.

Замонавий савдо шохобчасида туман телекоммуникациялар боғламасининг энг тажрибали ходимлари ҳамда ТАТУни битирган ёш мутахассислар ўз фаолиятларини бошлади. Санокли куллар ичида филиалнинг яна бешта боғламасида шундай янгилик йўлга қўйилди.

Нортожи ЗИЁЕВ,  
"Хабар"нинг Сурхондарё вилоятидаги мухбири

### БУЛУНҒУР

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси Самарқанд филиали томонидан замон талабидан келиб чиқиб, кўрсатилаётган хизматлар сонини ўстириш, кўпроқ мижозларни жалб қилиш мақсадида мавжуд телекоммуникация тармоқларини модернизация қилиш, янги технологияларни татбиқ қилиш ҳамда сервис даражасини ошириш бўйича доимий ишлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда филиал томонидан симли телефон алоқаси (маҳаллий, шаҳарларо ва халқаро), телеграф, қўшимча хизмат турларини кўрсатиш, ADSL технологияси бўйича кенг полдосали интернет тармоғига уланиш, FTTx технологияси бўйича мультисервис хизматларини кўрсатиш, CDMA-450 стандарти бўйича абонентларни давлат мобил тармоғига улаш, рақамли телевидениени ривожлантириш мақсадида Set-top-box ускуналарини сотиш каби хизматлар кўрсатишмоқда.

Филиал директори Ҳикмат Ҳакимов билан бўлган суҳбатда у филиал томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг кенг ҳамадони хисобга олиб, мижозларнинг хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқи оддий ва қўлай бўлиши кераклигини, шу мақсадда бутун республика ҳудудида, жумладан, Самарқанд вилоятида ҳам мижозларга барча сервис



хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи савдо масканлари босқичма-босқич очилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ҳозир Самарқанд филиалининг Иштихон, Жомбой, Каттақўрғон шаҳар телекоммуникациялар боғламасида "Ягона ойна" марказлари аҳолига хизмат кўрсатмоқда. 2012 йил 9 ойи мобайнида ушбу савдо шохобчалари филиалга қарийб 291 млн. сўм даромад келтирди. Шу билан бирга, 144та абонент симли телефон тармоғига, 349та абонент интернет тармоғига уланиб, минглаб CDMA-450 стандартидаги стационар ва мобил аппаратлари, Set-top-box ускуналари сотилди.

Филиал томонидан аҳоли учун хизматлари янада кенг татбиқ қилиш мақсадида 2012 йилда яна 7та туманда савдо шохобчаларини очиб режалаш-

тирилган бўлиб, 3 ноябр кунини республиканинг барча вилоятлари телекоммуникация боғламасидаги "Ягона ойна" марказлари катори Булунғур туманида ҳам савдо шохобчасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу ерда бта иш ўрни яратилган бўлиб, ушбу ўринларга аттестациядан муваффақиятли ўтган ходимлар қабул қилинди. Энди Булунғур туманининг 157 мингдан зиёд аҳолиси мазкур савдо шохобчаси хизматларидан фойдаланишади.

Савдо шохобчаси очилиш маросимида Самарқанд вилояти ҳокимининг ўринбосари ҳамда Булунғур тумани ҳокими ва унинг ўринбосарлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Абдунафур ҲОТАМОВ,  
"Хабар"нинг Самарқанд вилоятидаги мухбири

### ОЛТИАРИҚ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллиги арафаси олтиариқликлар учун роят қувончли воқеаларга бой бўлмоқда. Туман марказида "Ягона ойна" савдо шохобчаси иш бошлагани бунга бир ёрқин мисолдир. Шохобча очилиш маросимида "Ўзбектелеком" АК Фарғона филиалининг директори Раҳмонберди Қаримжонов сўзга чиқиб, соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, FTTx лойиҳаси бўйича аҳолига тезкор интернет хизматлари тақдим этишга киришилгани, туман телекоммуникациялар боғламаси ва савдо шохобчаси жамоалари зиммасидаги навбатдаги долзарб вазифаларга қисқача тўхтади ва хизматларни давр талаблари даражасида ташкил этишда уларга муваффақиятлар тилади.

Сўзга чиққан Олтиариқ "Ягона ойна" хизматлар сотуви савдо шохобчаси менежери Эминжон Умаров мамлакатимиз раҳбари томонидан соҳа тараққиётига жиддий эътибор қаратилаётгани тўғрисида мижозларга катор қўлайликлар яратилиб, аҳоли турмуш сифати ошиб бораётганига

тўхтади ва шохобча мутахассислари юксак самарадорлик билан ишлашга бел боғланганини билдирди.

Шундан кейин маросимда иштирок этаётган жамоатчилик вакилларига абонент бир неча хизматлар — интернет, CDMA стандартидаги мобил алоқа ва мобил интернет, видеотелефония ва IPTVлардан шу ерининг ўзидаёқ фойдаланиш, тўловларни амалга ошириш мумкинлиги тўғрисида ахборот берилди. Иштирокчилар мутахассислардан IPTV орқали Set-top-box қурилмасидан фойдаланиб 33та телеканални томоша қилишнинг афзалликлари ва имкониятлари ҳақидаги саволларига тўлақонли жавоблар олдилар.

Айни кунда Фарғона шаҳрида учта, Қўқон, Марғилон ва Қувасой шаҳарларида ҳамда Фарғона ва Олтиариқ туманлари марказларида биттадан "Ўзбектелеком" АК хизматларини сотувчи "Ягона ойна" савдо шохобчалари ишлаб турибди.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,  
"Хабар"нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

### ЯНА:

қуйидаги манзилларда "Ягона ойна" шохобчалари очилди:

- Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли шаҳри, "Дружба" кўчаси, 27-уй. 555-АТС биноси.
- Андижон вилояти, Пахтаобод тумани, Амир Темур кўчаси, 5-уй.
- Бухоро вилояти, Жондор тумани, Н.Ражабов кўчаси, 1-уй
- Жиззах вилояти, Пахтакор шаҳри, Кровцов кўчаси, 6-уй.
- Навоий вилояти, Кармана шаҳри, Қаршиев кўчаси, 2-уй.
- Наманган вилояти, Уйчи тумани, Амир Темур кўчаси, 62-уй.
- Сирдарё вилояти, Мирзаобод шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 9-уй.

К 20-ЛЕТИЮ КОНСТИТУЦИИ УЗБЕКИСТАНА

## К ПРАЗДНИКУ свободы и демократии

В трудовых коллективах, городских и сельских сходах граждан, образовательных и культурно-просветительных учреждениях области идет деятельная подготовка к знаменательной дате — 20-летию Конституции независимого Узбекистана.

Отдел обслуживания пользователей и правовой сектор областного информационно-библиотечного центра совместно с областными Кенгашем ОДМ "Камолот" и центром духовности и просветительства разработали план мероприятий, посвященный предстоящему празднику. Он предусматривает организацию "Круглых столов", тематических бесед, к участию в которых приглашены студенты вузов, учащиеся профессиональных колледжей и академических лицеев, представители гражданских институтов и общественных организаций. Перед ними выступают юристы, правovedы, ученые

Ургенчского Гос. университета, общественные деятели. Встречи и беседы пройдут не только в стенах ИБЦ, но и в школе подготовки сержантов, а также в воинских частях, дислоцированных в областном центре.

Для участников мероприятий и посетителей информационного центра развернута книжно-иллюстративная выставка "Конституция — эрк ва тинчлик комуси". Представленные на ней материалы рассказывают о garante свободной и благополучной жизни нашего народа — Конституции Республики Узбекистан, которая закрепила принципы и нормы правового регулирования важнейших вопросов, касающихся по-

литической, экономической и общественной жизни, прав и свобод граждан.

Большой раздел выставки отведен подборке книжных статей, газетных и журнальных публикаций о законодательных инициативах, выдвинутых Президентом Исламом Каримовым в Концепции дальнейшего углубления экономических реформ и формирования гражданского общества в стране, благодаря которым процесс реформирования и демократизации приобретает все больший динамизм.

Об этом наглядно свидетельствуют представленные в разделе статистические материалы, отражающие большие успехи, достигнутые за годы независимости в социально-экономическом развитии страны и нашей области.

Посетители выставки получат широкое представление о деятельности органов, стоящих на страже закона, общественных институтов и сходов граждан, их роли в усилении социальной поддержки населения, духовно-нравственном воспитании молодежи.

**М.ХРИСТЕНКО,**  
зав. информационно-правовым сектором Хорезмского ИБЦ

## Научно-технический семинар

6 ноября 2012 года в ОАО "Узбекистон почтаси" состоялся Республиканский научно-технический семинар на тему "Модернизация и развитие почтовой связи на базе информационно-коммуникационных технологий" совместно с Ташкентским университетом информационных технологий.

В семинаре приняли участие представители ГУП "UZINFOCOM", ГУП "Unicon.uz", МСНЧ "Aloqa va toza energiya", Научно-технического общества радиотехники, электроники и связи РУз, филиалов ОАО "Узбекистон почтаси", также преподаватели и студенты Ташкентского университета информационных технологий.

В ходе семинара прослушаны и обсуждены доклады и сообщения представителей следующих организаций — ГУП "UZINFOCOM", МСНЧ "Aloqa va toza energiya", Ташкентский университет информационных технологий, также работников аппарата управления и филиалов ОАО "Узбекистон почтаси".

По итогам семинара состоялся обмен мнениями между участниками, также проведены дискуссии по представленным докладам.

почta.uz

## "ЭЛЕКТРОННАЯ АВТОШКОЛА" появилась в Узнете

7 ноября в Ташкенте состоялась презентация электронного учебного пособия "AVTOTEST". Электронное учебное пособие "AVTOTEST" поможет



эффективно изучить и закрепить знания Правил дорожного движения, а также подготовиться к экзаменам на получение водительского удостоверения с помощью тренировочных и экзаменационных тестов, утвержденных ГУБДД МВД Республики Узбекистан.

Тесты сопровождаются анимационными роликами, что создает эффект реального присутствия на дороге.

Программа предназначена для учащихся автошкол, широких слоев населения, а также может стать эффективным пособием для преподавателей ПДД.

Одобрено Министерством высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан.

Программа выполнена на узбекском и русском языках. В меню легко выбирается один из двух вариантов.


infocom.uz

Единый оператор связи "Билайн" (ООО Unitel и СП Buzton) начал продажи новой модели 3G-модема Huawei с подвижным USB-коннектором, позволяющим подключить девайс к компьютеру в удобном для пользователя положении.

## "БИЛАЙН" ПРЕДСТАВЛЯЕТ новый 3G-МОДЕМ HUAWEI E188 с вращающимся USB-коннектором

"Теперь термин "мобильный Интернет" приобретает для клиентов "Билайн" еще одно значение, — комментирует событие старший менеджер по связям с общественностью Unitel Ораз Абдуразаков. — Huawei E188 позволяет абонентам использовать свои компьютеры и ноутбуки максимально комфортно, усиливая эргономичность устройства при сохранении высоких технических параметров".

- Основные характеристики модема:
- HSDPA/UMTS 2100/900 МГц
  - EDGE/GPRS/GSM 850/900/1800/1900 МГц
  - Скорость приема данных — до 7,2 Мбит/с
  - Скорость отправки данных — до 5,76 Мбит/с
  - Поддержка: Voice, USSD, SMS
  - Поддержка MicroSD до 4 Гб
- Системные требования:
- Операционная система Windows 2000/XP/Vista/7, Mac OS X 10.4 и выше
  - Свободное пространство на жестком



диске 50 МБ и более

- Центральный процессор (CPU) Pentium 4, частота 1 ГГц или выше
- Оперативная память 128 МБ или выше

Стоимость подключения к услуге "USB-модем Билайн" с Huawei E188 — 149 000 сум, 4 000 из которых попадают на баланс в счет будущих расходов. Подробности на сайте [www.beeline.uz](http://www.beeline.uz).

## НОВОСТИ В СФЕРЕ ИКТ

**УЧЕНЫМ ИЗ БАНГОРСКОГО УНИВЕРСИТЕТА** в британском Уэльсе удалось создать технологию, которая увеличивает пропускную способность домашних сетей до 20 гигабит в секунду. Этого достаточно, чтобы за несколько секунд, к примеру, скачать фильм в HD-качестве. Дальнейшая цель ученых — добиться прироста скорости до 40 Гбит/с.

муҳофаза қилиш воситалари соҳасида илмий кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда; ахборот ва ахборот ресурсларини криптографик муҳофаза қилиш ишлаб чиқилдиган стандартлар лойиҳаларининг илмий-техник экспертизасини ўтказишда; ахборотни криптографик муҳофаза қилиш масалалари бўйича йиғилишлар, семинарлар, конференциялар ва кўргазмалар ўтказилишини ташкил қилишда; ахборотни криптографик муҳофаза қилиш масалаларида тажриба алмашиш бўйича республика ва халқаро тадбирлар (анжуманлар, конференциялар, семинарлар ва х.к)да иштирок этади. Бўлим базасида синовлар, асбоблар ишлаб чиқилмоқда.

Ўтган вақт мобайнида қўлга киритган ютуқларимиз орасида қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин: бўлимда ишлаб чиқилган тавсиялар, методларнинг амалий қўлланиши; бўлимда бажарилган ИТИнинг жорий қилиниши; ИТИ натижалари алгоритм кўринишида татбиқ этилган. Шунингдек, норматив ҳужжатларнинг, хусусан, E-Hujjat, E-XAT ва бошқа дастурий таъминотларга жорий қилинган ахборотни криптографик муҳофаза қилиш стандартларини қайд этиш зарур.

Яна шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, департамент ходимлари томонидан иккита ўқув қўлланмаси, илмий нашрларда юздан ортқ мақолалар нашр қилинган, шунингдек, бизда ихтиролар учун йиғирмадан ортқ патентлар мавжуд: улардан учтаси криптография бўйича ва тўртта муаллифлик гувоҳномаларидир. Учта ходимимиз номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилган ва учта ходимимиз номзодлик ҳимоясига тайёргарлик кўрмоқда.

Яқин икки йил ичида биз қуйидаги йўналишлар бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажаришни режалаштирляпмиз: ошқора бўлмаган эллиптик эгри чизиклар асосида жамоа электрон рақамли имзонинг алгоритмларини ишлаб чиқиш ва ўрганиш; ошқора бўлмаган эллиптик эгри чизиклар асосида калитларни тақсимлаш алгоритмларини ишлаб чиқиш ва ўрганиш; ўзбек тилида "Криптографик баённомалар" ўқув қўлланмаси ҳамда лотин графикасидан фойдаланиб ва мултимедиали технологияларни қўллаган ҳолда "Ахборот хавфсизлиги ва криптография асослари" ўқув қўлланмасини ишлаб чиқиш; Ахборотни криптографик муҳофаза қилиш бўйича давлат стандартларини ишлаб чиқиш. Бу муҳим вазифаларни амалга ошириш йўлида бор куч ва имкониятларимизни ишга соламиш.

Хислат ҲАСАНОВ,  
"UNICON.UZ" ДУК директори ўринбосари

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг ҳилма-ҳиллиги асосида ривожланади.

Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас.




Ўзбекистон Республикасининг  
Конституцияси, II боб, 12-модда

— NISHONDORLARIMIZ

## Сабоқ

Қашқадарёлик алоқачилар орасида Бойназар ФАНИЕВ ташаббускор, интилувчан ва малакали мутахассис сифатида ажралиб туради.



У кишлоқ телефон тармоғини реконструкция қилиш лойиҳаси бўйича аналог станцияларни рақамли станцияларга алмаштириш ва оптик толали кабеллар ётқизиш ишларида фаол катнашиб, янги алоқа ускуналарини монтаж ва демонтаж қилиш, янги рақамли станцияларни ўрнатиш ва таъмирлашга катта ҳисса қўшиб келаётир. Айниқса, у умумий сизими 21536 портли "Кинот Эл-СГМ" қурилмалари асосида 78та аналог кишлоқ АТСлари реконструкция қилиниб, аҳолига замонавий рақамли телекоммуникация хизматлари, жумладан, интернетнинг йўлга қўйилишида фаол иштирок этди.

Телекоммуникация боғламаларидаги барча алоқа ускуналарини, телефон ва телеграф станцияларини, линия-кабел хўжалиги, транспорт воситаларининг сифатли ишлаши ҳар бир ходимдан тажриба ҳам масъулият талаб этади. Боғламаларда юқори иш унумдорлигига эришиш, техник тараққиётни жадаллаштириш, ишлаб чиқариш соҳасини давр талабига мос келадиган техник ускуналар билан қайта қуролантириш, реконструкция қилиш учун дастурлар мажмуасини ишлаб чиқариш ва бу дастурлар асосида фаолият олиб бориш муҳим омил ҳисобланади. Шуларни инобатга олган ҳолда иш юритиш Б.Фаниевни сафдошлари орасида ажралиб турадиган алоқачига айлантирди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг юқори даражага юксалиши ҳамда равнаки йўлида фаолият юритаётгани, шунингдек, мамлакат иктисодиёти ривожланишига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган "Ўзбек-телеком" АК Қашқадарё филиали ишлаб чиқариш лабораторияси бошлиғи Бойназар Фаниев Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг "Фахрий ёрлиғи" билан тақдирланди.

— Бундай рағбат мени янада фаол бўлишга ундади, — дейди у. — Ҳозирда вилоятимиз туманларида Хитойнинг ZTE ускуналарини монтаж қилиш ишларини олиб борапмиз. Соҳага мени Қўчқор Топшўлатов етаклаган. Илк устозим ҳам шу киши бўлган. Кейинги фаолиятимда ҳам яхши устозлар кўмағига таяндим. Ютуқларга эришишимда Самад Каримов, Холмирза Курбонов, Жуманазар Бозоров, Жалол Назаровларнинг хизматлари катта.

Бойназар Фаниев Китоб туманида туғилган. Топкент алоқа техникумида таҳсил олган. Мехнат фаолиятини 1982 йилда Китоб туманидаги АТС электромеханиклигидан бошлаган. Кейинчалик катта электромеханик, 2-даражали муҳандис, S-12 Alcatel станцияси муҳандиси, халқаро ва шаҳарлараро телефон станцияси муҳандиси вазифаларида ишлади. У 30 йилдан ортқ иш фаолияти давомида ёш мутахассисларга ўз касбининг сирларини ўргатди. Ўндан ортқ шогирдлар тайёрлаб, вилоят алоқасини ривожлантириш борасида доимо изланишда.

И.АФОНДИЛОВ

Орамизда шундай одамлар борки, улар ўзи, оиласи, ватани ва ўзга одамлар олдидаги бурчларини бехато адо этиб яшайдилар. Учқўприклик Мамасодиқ ота Мамаюсупов ана шундай табаррук зотлардан биридир. Отахоннинг умр дафтари билан танишсангиз, унинг қанчалар софдил ва айна вақтда забардаст инсон эканлигига амин бўласиз. У болалигидаёқ советларнинг кулоқлаштириш сиёсати уқубатларини бошдан кечирди. Ишбилги миришкор деҳқонларга "Қишлоқ буржуазияси", "Халқ душмани" тамгалари ёпиштирилган эди.

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонуни ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар.**



Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, VI боб, 23-модда

# Иқбол чироғи

Унинг ота-онаси Иззатой ва Аҳмаджон Мамаюсуповлар Украинанинг Мелеченка қишлоғига бадарга этилган эдилар. Ушанда қаҳрамонимиз беш ёшда бўлган эса-да бегона юртларга кўчиш, у ерда кун кечириб изтиробу азобларини яхши эслайди. Ёш Мамасодиқ ана шу ситамдийдалиқ таъсирида тобланиб катта бўлди. Фашизмга қарши уруш бошланганда кулоқ қилинган оила бошлиқлари каби унинг отаси ҳам Қозонистонга сургун қилинди. (Кейинчалик кўплаб юртдошларимиз қатори ўша ерларда вафот этган). Уруш боисидан икки ўсири — Мамасодиқ ва Мухаррамовни никоҳлаб қўйишди. Чунки Сотқиний ва Мўйдинбой Шерматовлар (улар ҳам учқўприкликнинг қизи Мухаррамовини душманлардан эҳтиётлаш керак эди.

Отахон шошмайгина, аста ҳикоя қиладди. Хар сўзу фикрларида донишмандлиги зукколикни уқасиз.

1945 йилнинг январигача ўша ерда яшади. Сўнг она юрта йўл олишди. Нима бўлганда ҳам Мамасодиқ отасининг "Хаммасига чидайману она юрт соғинчига чидолмайман. Сен Учқўприкка қайтиб чирогимизни ёқиб ўтиришнинг керак" деган хоҳиш-иродасини адо этиши фарз эди. Шундай бўлди ҳам. 1946 йилда қўлтиктаёқда бўлса ҳам она қишлоғи — Донога онаси, рафиқаси ва ўғли Солижон билан кириб келди.

Атрофи оламга боқиб, баҳра олиш бошқача, тўйиб-тўйиб нафас олиш бошқача! Нигоҳларини иймон нури ёритган хамқишлоқлар билан суҳбат қуриш янада бошқача... Бир сўз билан айтганда, жанг майдонларида неча бор ўлиб тирилгани каби она тупроғида ҳаётга янгитдан дунёга келгандек эди.

Ушанда отахон яна икки марта дунёга янгитдан келишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Ҳозир сизга айтиб бермоқчи бўлганимиз ана шу ҳақда. Бу тўғрида бизга отахоннинг ўғли, узок йиллар Учқўприк почта алоқаси тармоғида ишлаб, эндиликда кексаллик гаптини сураётган Солижон ака Мамаюсупов куйидагиларни гапириб берди: Отамиз 1946 йилдан 1987 йилгача туман алоқа бўлимида монтерликдан тортиб бошлиқ ўринбосари лавозимларида ишладилар. Чорак асрки, фахрийликда. 15 нафар невар, 18 нафар чевара, икки нафар

эваранинг бобоси. Онамиз Мухаррамов Мамаюсупова урушдан кейин Фарғона давлат педагогика институти (ҳозир ФарДУ)да математика факулетида ўқиб, мактабларда ишлаб ажойиб шогирдлар етиштирганлари билан фахрланамиз. Онамиз бандалик қилганларига уч йилдан ортди. Хар сўзлари, йўл-йўриқлари дуру жавахирдан қимматли отамизнинг умри-жонини тилаб ўтирибмиз. Бундан 13 йил олдин бетобланиб қолганларида ажралиб қоламиз, деб жуда қўрқиб кетгандик. Йўқ, худога минг қатла шукур. Юртимизда тиббиётни ривожлантиришга жиддий киришилгани шарофати билан дадамизга қайта ҳаёт ҳада этишди. Тошкентдаги А.Воҳидов номидаги илмий текшириш институтида юрагига электростимулятор ўрнатилди. 2010 йил адоғида отамизнинг соғлиги яна ёмонлашди. Маълум бўлишича, электростимуляторни алмаштириш вақти етган экан. Жуда қаттиқ ташвишга тушгандик. Хайриятки, ҳаммаси хайрли яқун топди.

Ҳамидахон сингилди отамизни олиб, Фарғонага борди. Тегишли ташкилотлар А.Воҳидов номидаги илмий текшириш институтига йўлланма беришибди...

— Ха, отамиз хар гал оғриб қолганларида биз умидсизликка тушдик, — суҳбатга қўшилади Ҳамидахон. — Бироқ отамиз асло умидини бой бериб қўймаганлар. Ҳечқиси йўқ, ҳадемай оёқка туриб кетаман, дердилар бизлар-

нинг кўнглимизни кўтариб. Дастлабки операциясига ҳам ўзим олиб боргандим. Операциядан чиққунларича не ахволга тушганимни бир ўзим, бир худо билди. Қўзларини очганларида дунёда мендан бахтиёрроқ одам бўлмаган гўёл... — бўзига келган йиғисини ютиб юбориб давом этади. — Аллоҳим раҳимимизни еди. Шукур. Аввалгисиди шифохонада етти кун тургандик. Кейингисиди уч кундаёқ уйга жавоб беришди. Хар иккала операцияни ҳам бепул қилишди. Бунинг учун биз Президентимиздан хар қанча миннатдор бўлсак арзийди. Отамизга меҳр-эътибор кўрсатган Фарғона вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, вилоят урушу ва меҳнат фахрийлари поликлиникаси ҳамда А.Воҳидов номидаги илмий текшириш институти раҳбариятларига, институт ходимлари Ш.Қосимов, Мухаммаджонов ҳамда В.Пақ каби кардиологларга раҳматлар айтаман. Меҳнату машаққатларининг роҳатини кўришимиз, деймиз...

Ҳамидахоннинг овозида чексиз мамнунлик ва қувонч зоҳир эди.

Хуллас, айтмоқчимизки, бахт-иқбол ақл-идроқда яширин. Рўй бераётган ҳодисаларнинг хаммаси тақдир азал меvasи эмас, балки баъзилари бизнинг ҳукмида. Бизнингча, бу ҳикमतларни билганларнинг ўзлари ҳам, яқинлари ҳам узок ва саодатманд яшайдилар. Қаҳрамонимизнинг ҳаёти ва фаолияти шунга ёркин мисол бўла олади. Отахон ана шундай ҳикматларга таяниб умргузaronлик қилиб келмоқда.

Неварлари ТАТУда таҳсил олиб, вилоят почта ва телекоммуникация соҳаларида муваффақият билан ишлаётганлари ҳам фикримизга чиройли бир далилдир.

**Хафиза САЛЯҲОВА,**  
"Xabar"нинг  
Фарғона вилоятидаги мухбири

"Ўғлим, кимки бу касбда ҳалол ишласа обрў-эътибор топади. Қариялар, ногиронлар нафақасига кўз олайтирган кимсанинг бири икки бўлмайди, қарғишга қолади. Кексаларнинг дили оғриси ундан ёмони йўқ. Бир сўм бўлса ҳам ҳалол, покизасига не етсин" дерди отам Саттор Маҳманов, — дея сўз бошлади Чироқчи почта алоқаси тармоғига қарашли "Ўмакай" алоқа бўлими бошлиғи Бахтиёр МАҲМАНОВ.

## Ота касб

ўтган сайин мени кўп олдиди олиб юрар, ўз ишнини, почта сир-асрорларини ўргатарди. Бора-бора ишларни мустақил бажарадиган бўлдим.

Мактабни битириб отаси ёнида ишлашга аҳд қилди. Бу ҳақдаги қатъий қарорини эшитган падари бузруквори шундай деганди: "Почтачилик ҳалолликни, тўғрисузликни ёқтиради. Ўз ишининг пухта эгалли, шунда хор бўлмайсан". Бу олтинга тенг насихатлар Бахтиёр учун кеча айтилгандек ҳамон кулоқлари остида жаранглаб туради.

1985 йилдан алоқа бўлимига хабарчи бўлиб ишга кирган Б.Маҳманов ўз отасидан, устозларидан соҳага тегишли ишларни яхшигина ўздлаштириб олди. Вақт барча нарсани жойига қўяди, дейдилар. Дарҳақиқат, Бахтиёр ҳам ўтган вақтда ўз ишининг билимдонига айланганч, отаси Саттор ака Маҳманов кексалик нафақасига чиқадиган бўлди. 15 йилдан ортиқ алоқа бўли-

мини бекаму кўст бошқарган Саттор ака ёруғ юз билан пенсияга кузатилди.

1987 йилдан Бахтиёр почта алоқаси бўлим бошлиғи вазифасида хормай-толмай ишлаб келмоқда. Газета-журналларни обуначиларга етказиш, пенсия пулларини тарқатиш кимларгадир оддий ҳолдек туюлиши мумкин. Лекин барча соҳанинг ўз ички муаммолари бўлганидек, почтада ҳам бу ҳол иш жараёнида сезила бошлади. Демак, ўқиб яна билимни оширишни талаб этаркан. Бахтиёр ҳеч иккиланмай шу ниятини амалга ошириш учун Тошкент алоқа техникумига сиртдан ҳужжатларини топширди. Нияти ҳолис экан техникум ўқувчиси ҳам бўлди ва аъло баҳолар билан тамомлаб, ўрта махсус маълумотли почта ходимига айланди.

25 йилдан бери хизмат қилиб келаётган Б.Маҳманов барча ҳамкасбларияу кишлоқдошлари орасида яхшигина обрў-эътибор қозонган.

— Ўзимга энг яхши устоз отам бўлса, яна бирини айтмасдан иложим йўқ, — дейди Б.Маҳманов. — Чироқчи почта алоқаси тармоғини узок йиллар бошқарган Кенжа Жумановдан жуда кўплаб иш услубларини ўргандим. Асосийси, одамийликни ўрганганимни алоҳида таъкидлашим лозим. Ундан ўз ходимларига эътибор, фамхўрлик, яхши фазилатлар қолди. Унинг ишини биз шогирдлари давом эттиряпмиз. Илоё, охиратлари обод бўлсин!

## НАМКАСБЛАРИМИЗ

Бахтиёр Маҳманов устозларининг юзини ерга қаратмай доимо ҳалол ишлаб келаётган. Алоқа бўлими ҳудудига ўн та кишлоқ қиради. Ҳудуди катта, кир-адир қок. Баъзи жойларга от-ешакда борилади. Киш-қировли қунларда яёв юриб кексалар нафақаси уйларига олиб бориб берилди. Пенсиялар сони 500 нафарга яқин. Демак, беш юз характерли отахону онахонлар. Хар бири бир одам. Бундан ташқари, олтинта мактаб, битта коллеж, иккита кишлоқ фуқаролар йиғини, кишлоқ врачлик пункти, МТПлар бор. Уларни ҳам қундалик маъбуот нашрларидан баҳраманд этиш керак. Югур-югур, ўз ишнини сидиқидилдан бажариш. Йигирма беш йилдан бери шу ҳолат. Одамларга хизмат қилиб толамлик унинг қон-қонига синиб кетган...

Ана кир-адирлар оша сумкасини осиб олган почтачи Бахтиёр Маҳманов кетмоқда. Хали Қўчқорбулоқ қишлоғида, яна Ўмакайу Шўрқудук кишлоқларида, тоғлар қўйнидаги Сарсон қишлоғида ҳам юрган у. Кексаларга қувонч улашди нафақа-ю газета-журнал таркатаётган, улар дуосини олаётган ҳам у.

**Баҳром МУРОДОВ**  
Қашқадарё вилояти

## Хикоят

КИМ, БОШКА ОДАМЛАРСИЗ КУНИМИН ЎТКАЗА ОЛАМАН, ДЕСА ХАТО ҚИЛАДИ. ЛЕКИН КИМКИ, ОДАМЛАРГА МЕНСИЗ ҚИЙИН БЎЛАДИ, ДЕБ ЎЙЛАСА, УНДАН БАТТАР ХАТО ҚИЛАДИ.

Ф. ЛАРОШФУКО

## Хавфсизлигимиз ўз кўлимизда

TADBIR

Хар қанча олди олинишига қарамасдан, фавкулдада вазиятлар кутилмаганда содир бўлиб туради, уларни бартараф этиш ҳамда бунинг оқибатида вужудга келадиган йўқотишларни камайтириш учун маълум билим, куч ва воситалар зарур бўлади.

Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот-кутубхона марказида Фавкулдада вазиятлар, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари вилоят бошқармалари, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Қизил ярим ой жамияти билан ҳамкорликда аҳолини ва худудларни табиий, техноген ҳамда экологик хусусиятли фавкулдада вазиятлардан муҳофаза қилиш,

аҳолининг мўътадил ҳаёт фаолиятини таъминлашга қаратилган "Халқаро табиий офатларни камайтириш" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирни Вилоят фавкулдада вазиятлар бошқармасининг Аҳоли ва худудларни муҳофаза қилиш бўлими катта лейтенанти А.Қўчқоров кириш сўзи билан очди.

Пахтабод туман ФВБ етакчи мутахассиси С.Ғофуров ҳукумат томонидан қабул қилинган қарор ва қонунлар ижросини таъминлаш мақсадида туманда олиб борилаётган ишлар, яъни мактаб ўқувчилари ўртасида фавкулдада вазиятларда ҳаёт хавфсизлиги асослари бўйича ўқув машғулларини ташкил этиш ва ўтказишдаги иш таж-

рибалари, ёш кутқарувчилар гуруҳининг фаолияти, келгусида амалга оширилиши кўзда тутилаётган мактаблараро "Ёш кутқарувчилар" мусобақаси тўғрисида муфассал сўзлаб берди.

Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассиси А.Ақбаров, Қизил Ярм ой жамияти координатори Э.Садовникова, Соғлиқни сақлаш бошқармаси мутахассиси С.Бўронова, Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси мутахассиси А.Холматов, 30-умумтаълим мактаби маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Р.Ҳожибековлар аҳоли хавфсизлигини таъминлаш борасида фавкул-

дада вазиятлар бошқармаси билан ҳамкорликда олиб борилаётган ҳамда келгусида режалаштирилган ишларга алоҳида тўхталдилар.

Тадбир давомида мутахассислар қатнашувчилар томонидан берилган саволларга атрофлича жавоб бердилар.

Тадбирда АКМ ходимлари томонидан "Хавфсизлигимиз ўз кўлимизда" мавзусидаги кўргазма қатнашчилар эътиборига ҳавола этилди.

**Одинахон МАМАЖОНОВА,**  
Андижон вилоят АКМ  
Ахборот технологиялари бўлими  
муdiri, фуқаро муҳофазаси  
бўйича масъул

## Алоқачи шоир

1960 йиллар эди. Самарқанд вилоятининг ҳозирги "Зарафшон" газетасида Нормурод Нарзуллаев адабиёт ва санъат бўлимида адабий ходим эди.

Мен жамоатчи мухбир эдим. Кунларнинг бирида тахририятнинг адабиёт ва маданият бўлимига кирсам, Нормурод Нарзуллаев каттақўрғонлик бир гуруҳ ёш ижодкорларнинг шеърларини ўқиб ўтирган экан.

Мен олиб борган мақолаларга кўз югуртира туриб, алоқачи ёш шоир Ғайратжоннинг шеъри йўқ-ку, деб қолди. Менинг хайратланганимни кўрган Нормурод Нарзуллаев, Ғайратжон деганим Каттақўрғон шаҳар алоқа бўлимида хат ва телеграммалар етказувчи бўлиб ишлаётган йигит Мэлс Ташев бўлади. Шеърларида дард бор, фикр бор. Агар бу укамиз ўз устида ишлаб, шеър машқ қилишни тақомилига етказса, марра уники. Мэлсжондан яхши шоир чиқади, деди.

Ха, ўшанда фаришталар, омин, деган экан, Мэлсжон қалб тугенларини, қорозга тушириб, ўқувчилар дардига малҳам бўладиган шеър уфаллар ёзадиган қалам соҳибига айланади.

Яқинда Самарқанддаги "Зарафшон" нашриёти шоирнинг 130га яқин шеър, ғазал ва тўртликлари жамулжам ижод маҳсули "Қуёшгинам" номли тўпламини босмадан чиқарди. Тўпламда ҳам қалбини ларзага соладиган ўйноқи, шеър уфаллар анчагина.

Ўзининг меҳнат фаолиятини хат ва телеграммалар ташувчи ходим сифатида алоқа корхонасида бошлаган Мэлс Ташев Каттақўрғон шаҳридаги 2-кечки ишчи ёшлар мактабини тугаллагандан сўнг тумандаги 13-музыка мактаб-интернатида тарбиячи, ундан кейин Каттақўрғондаги худудий туманлараро "Зарафшон" газетаси тахририятида фаолият кўрсатди.

1978 йилдан эътиборан у Абдулхамид Мажидий номидаги Каттақўрғон ўзбек давлат драма театрида адабий эмалдош бўлиб ишлаш борабарига янги шеър уфаллар ёзмоқда.

Куйида алоқачилар орасидан етишиб чиккан шоир шеърларидан намуналар ўқийсиз.

**Ғайрат ШУКУРОВ,**  
фахрий журналист

**NAZM GULSHANI**

### Синов

Дўстман, деганларни синамоқ бўлсанг,  
Қоқилиб кўр, лекин йиқилма асло,  
Агарчи йиқилсанг, "тамом" дейишиб,  
Тупроқ тортишдан ҳам тойинмас хатто.  
Илондек ғимирлаб қолар ғийбатлар,  
Паноҳ топар ҳар бир овдан, қулқодан.  
Иғво-ку омонат, бунда сийратлар,  
Тарқатиб юришар, қолмай оёқдан...  
Соғайиб қайтасан лавозимингга,  
Яна илдирашар шакарғуфторлар.  
Кўрпача тўшашар яна изингга,  
Ҳеч гап бўлмагандай, қалби могорлар.  
Қоқилиб йиқилган бўлсанг сен магар,  
Магар суянганинг содиқ эл бўлса.  
Юртингни ардоқлаб, севсанг жон қадар,  
Қайноқ туйғуларга тўла дил бўлса.  
Дадил бул дўстгинам, ўқсинма сира,  
Факат дардларингни чин дўстларга айт.  
Азобларга чнда, яша қасдма-қасд,  
Дўстлар синалади қоқилганинг пайт!

### Ҳижрон

Ҳижрон, сен нимасан дилга ёвмасан,  
Дардмисан, аламни, дола-фиғонми?!  
Айт, ўтли оҳмисан, ё фарёдмисан,  
Сен шунча жафокор, офати жонми?!  
Нимайки бўлмагин, сен менга дўстсан,  
Дўстимдек тергайсан гар етсам гуноҳ,  
Ғафлатда қолмагин, йиғлаб ўтма деб,  
Сирли жазолардан айлайсан огоҳ!  
Ҳижрон! Сен бўлмасанг ишқпараст кўнглим,  
О, нелар қилмас эрмак деб ишқ,  
Гох койиб турмасанг юрак ақлимни,  
Эхтимол куйлардим, руҳсиз кўшиқни.  
Йўқ ҳижрон бўлмасин, дейди ошқлар,  
Азобсиз келажак бахт, иқбол борми?  
Ҳаёт садақатда умрин тобламай,  
Роҳатда яшаган машуқа борми?  
Агар ҳижрон бўлса айрилик фироқ,  
Ҳеч қачон чекмасанг ишқнинг дардини.  
Дунёда муҳаббат қутлур бўлмасди,  
Одамлар билмасди севи қадрини.

### Телефонда

Телефонда бир киз билан улашиб қолдим,  
Мен йўқотиб, тополмаган, шахло кўзининг ўзи-ку  
Трубкани қўймаг, дея вақтни тиланиб олдим,  
Дилбар сўзин тингламоқадан, чарчамасдим уззукун.  
Деди:

— Шилқим бўлманг ака, сиз ўйлаган қизмасман,  
Трубкани қўймасам ҳам сизга бир сўз демасман,  
— Жон сингилжон, эл безори суюқ эрмак эмасман,  
Дилдан сизни ҳурмат қилгум, асло эрмак қилмасман.

— Шундоқ эса, бир шеър айтай гарчи шоир эмассиз,  
Шеър ҳақида бирор фикр айтолмайман демассиз.  
У шеър ўқир, ёлғиз аёл ҳасратлари хоритди,  
Волидасиз қолган гўдак, бу дунёни тарк этди.

Мағрур қизнинг муҳаббати бир юракка боғланиб,  
Забт этилмай қолиб кетди, аро йўлда доғланиб.  
Саҳий дехқон, момо ерим, бобо куёш ҳақида,  
Аччиқ ҳижрон, ширин висол, бағри тошлар ҳақида,

Ишқ-муҳаббат, бахтли даврон, тоза виждон ҳақида,  
Халоватсиз, халол яшаб келган инсон ҳақида,  
Тўрт фаслни таъриф айлаб, шеърларида куйларди,  
Мен-чи, унга омад тилаб, тақдирини ўйлардим.

— Шеърларингиз менга ёқди, дилдан топиб ёзибсиз,  
Хар қайсиси дурру гавхар, қайси қондан қазибсиз,  
Хур ўлкамининг ҳур қизисиз, сиздан бахтли аёл йўқ,  
Келажакда Зебуноисо бўлажақсиз, кўнглим тўқ.

— Далда берманг, дея менга, астагина жим бўлди,  
"Вижир-вижир" қилиб телефон симлари узилди.  
Шундан бери на телефон, на хаётда тополмай,  
Газеталар, китоблардан шеърларини излайман.  
Куй-қўшиқсиз яшолмаган одамлардек бўзлайман.

**Мэлс ТОШЕВ**



## YUZ BILAN YUZLASHGANLAR



### Момо

Дунё шунинг учун ҳам гўзалки, унда сабр-матонат, вафо-садоқат деган нодир туйғулар бардавон. Хар гал бу покиза туйғулар ҳақида ўйлаганимда Тошлоқ туманидаги Варзак қишлоқ фуқаролар йиғини Қилча ариқ маҳалласида умргузаронлик қилаётган 110 ёшли Ўғилхон момо Шокирова кўз ўнгимдан ўтади. Табарруқ онахоннинг машаққатли ҳаёт йўли ҳақидаги ҳикояларини эшитсангиз, ундаги метин бардошга, меҳнатсеварликка ва инсонийликка ҳавасингиз келади. Хужжатларда қайд этилганидек, 1902 йилда туғилган момонинг ёшлик йиллари гоёт кийинчиликда кечган.

— Болалигимда елкамда кетмон, қўлтигимда бир бурда нон солинган халта билан даладан бери келмасдим, — дейди Ўғилхон момо. — Бутун урим меҳнатда ўтди.

Турмуш ўртоғи Муроджон ота ҳам ҳалоллик бобида ҳаммага ибрат бўлгулик умрини яшаб ўтди. Оиланинг ширин ташвишларидан, жажжи ўғилчалари Алижоннинг атак-чечак қадамларидан мағрур юрган кезларида уруш бошланди. Эл қатори у киши ҳам кирғинбарот жанг майдонларига жўнади.

Қисматнинг қаҳри қаттиқ экан. У оққўнғил, беозор, меҳнатдан бошқа нарсани билмайдиган Ўғилхонга ҳам шафқат қилмади. Уни бир умрлик ҳижрон азобига ташлади, севикли ёридан "қора хат" келди. У бор аламини меҳнатдан олди. Кун бўйи далада астойдил ишлади. Уйдаги дехқончилик, боғдорчилик юмушларини ҳам ўзи уддалади.

Момо ёлғиз ўғли Алижонни елиб югуриб уйли-жойли қилди. Ундан тўрт набира, беш чевара кўрди. Дилбандлари уни ҳамиша эъозлашади.

Ҳозирги кунда набираси Ҳаётхон ва келини Чинниқонлар ардоғида кескалик гаштини сураётган момони зиёрат қилувчилар бисёр. Хар бир меҳмонни ардоқлаб, суюниб шундай дуо қилади: "Биз кўрган кунларни сизлар кўрманглар, илоҳим! Истиқлолга, тинчлик-осойишталик, фаровон турмушга шукроналар келтириб, мустақилликнинг қадрига етинглар, юртимизга кўз темгасин. Ватанин севинглар! Одамларга ҳамиша яхшилик қилинглр!"

Эл-юрт хизматига қамарбаста бўлган, туман қишлоқ ҳўжалигини юксалтиришга улкан ҳисса қўшган, маҳалла ёшларини ҳалолликка, меҳнатсеварликка қорлаётган Ўғилхон момо ўтган аср бошларидан буён ўтган кишилар, юз берган воқеалар, очарчилик, жамоалаштириш даврлари ҳақида адашмасдан гапириб беради.

Туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, "Нуроний" жағфармаси туман бўлимаси, қишлоқ фуқаролар йиғини вакиллари, қариндош-уруғлар, қўни-қўшилар момони тез-тез йўқлаб туришади.

**Муҳаммаджон МАХМУДОВ**

**Футбол бўйича**  
Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Бирлашган Араб Амирликларида ўтказилаётган Осиё чемпионатини йирик ғалаба билан бошлади.

Мусобақада китъамизнинг ўн олти терма жамоаси совринли ўринлар ва 2013 йили Туркияда ёшлар ўртасида бўладиган жаҳон чемпионатининг тўрт йўлланмаси учун куч синашмоқда.

"С" гуруҳида тўп сураётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси дастлабки ўйинда Ветнам футболчиларини 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Хужумчи Игор Сергеев "дубл"га эришган бўлса, ҳимоячи Максимилиан Фомин ва хужумчи Темур Ҳакимов биттадан гол уришга муваффақ бўлди. Терма жамоамиз хужумларини ташкил қилган истеъдодли ярим ҳимоячи Жамшид Искандаров учрашувини энг яхши футболчиси, деб топилди.

Гуруҳдаги иккинчи учрашувда Иордания ёшлар терма жамоаси амалдаги Осиё чемпиони — Корея Халқ Демократик Республикаси футболчилари билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнади.

Иккинчи тур учрашувида ёшлар терма жамоамиз иорданиялик тенг-



## Бир ғалаба ва бир дуранг

дошлари билан 2:2 ҳисобида дуранг ўйнади.

Учрашувнинг иккинчи бўлими бошида иорданиялик Фади Авад ҳисобни очди. Ҳамюртларимизнинг кўп сонли хужумларидан бирини қайтаришда рақиб ҳимоячиси ўз жарима майдончаси ичида ўйин қондасини бузди. Ҳакам томонидан белгиланган пеналтни Игор Сергеев аниқ бажарди — 1:1.

Беш дақиқадан сўнг рақиб футболчиси йўллаган зарбани қайтаришда хатога йўл қўйган Сардор Раҳмонов ўз дарвозасига гол уриб қўйди. Натига учун охиригача курашган

футболчиларимиз сўнгги дақиқада ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлди. Бу гол ҳам хужумчимиз Игор Сергеев ҳисобига ёзилди.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг очколари сони тўрттага етди. Ҳамюртларимиз гуруҳдаги сўнгги учрашувини КХДР терма жамоасига қарши ўтказди.

Мусобақа қондасига кўра, ҳар бир гуруҳда дастлабки икки поғонани эгаллаган терма жамоалар плей-офф босқичига чиқади. Китъа биринчилигида ярим финалга етиб келган жамоалар эса келаси йили жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади.

### Ёшларимиз ўйинларини скаутлар қўзғатишмоқда

Рас Ал Хайма шаҳрида бўлаётган гуруҳ ўйинларини қўзғатиш учун жуда кўп раб футбол агентлари таширф бўришган. Жумладан, "Монако" ва "Рубин" вакиллари ёшларимиз ҳаракатларини жидади қўзғатишмоқда.

Шунингдек, Иорданияга қарши келган ўйинни "Барселона" ва "Боруссия" Дортмунддаги таширф бўрган футбол скаутлари, Италия ва Франциядаги нуфузли агентлик ташкилотларининг агентлари ҳам қўзғатдилар.

### Ўзбекистон термаси ФИФА рейтингда бир поғона кўтарилди

Халқаро футбол федерацияси — ФИФА терма жамоаларининг янги рейтинг жадвалини эълон қилди. Унга кўра, Ўзбекистон миллий терма жамоаси бир ўрин юқорига кўтарилди, 69-поғонани эгаллади.

Ўтган ой 70-ўрнида бўлган Ўзбекистон миллий терма жамоасининг очколари сони 490ни ташкил этмоқда. Терма жамоа Осиё мамлакатлари орасида ҳали ҳам кучли бешликда борган.

Кучли учликда Япония (24), Жанубий Корея (32) ва Австралия (33) терма жамоалари бор.

ЖЧ-2014 саралаш босқичи доирасидаги Ўзбекистоннинг қолган икки рақиб — Қатар ва Ливан терма жамоалари мос равишда ФИФА рейтингининг 104- ва 112-ўринларида боришмоқда.

Умумий рейтингда эса Испания терма жамоаси пешқадамлик қилмоқда. Ундан кейинги ўринларда Германия, Аргентина, Португалия, Италия, Англия, Голландия, Колумбия, Россия ва Хорватия терма жамоалари бор.

### Эрон билан ўйинолди йиғинига 24 нафар футболчи чақирилди

Футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси ЖЧ-2014 саралаш босқичи доирасидаги Эрон билан учрашувга тайёргарликни бошлаб юборди.

Учрашув 14 ноябр куни Техронда ўтказилади. Йиғинга 24 нафар футболчи жалб этилган. Айни пайтда легионерлардан Сервер Жепаров, Санжар Турсунов ва Виталий Денисовлар Тошкентга етиб келишган.

Қувонарлиси, жароҳатини тузатган ҳамюртимиз Одил Аҳмедов ушбу йиғинга чақирув олган. Темур Қападзе эса жароҳати боис Эронга қарши майдонга туша олмадлиги мумкин.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" - ги 458-сон қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низоимнинг 49-бандига асосан:

"ASTER TELEKOM" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойиҳалаш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003923 рақамли;

"СHEMPION NOKIS" масъулияти чекланган жамиятининг (Нукус ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоқини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003950 рақамли;

"Жаббор Жалил" фермер ўҳжаллигининг (Бухоро вилояти) аризасига мувофиқ халқаро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002533 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2012 йил 31 октябрдан тугатилади.

### Ўзбекистон тазквондо терма жамоаси Жаҳон кубогида 5та медални қўлга киритди

Республика тазквондо ИТФ федерацияси терма жамоаси Буюк Британиянинг Браутон шаҳрида ўтказилган Жаҳон кубогида 2та олтин, 2та кумуш ҳамда 1та бронза медалини қўлга киритди.

Дунёнинг 54та давлатидан келган 2000 нафардан зиёд тазквондо усталари иштирокида ўтган мазкур нуфузли мусобақада Ўзбекистон терма

жамоаси ҳисобига олтин медалларни Диана Хон ва Зарина Шемдановалар келтирди.

Диана Хон қора белбоғ 1-ДАН соҳиблари ўртасида ўтказилган тул машқларида биринчи ўринни эгаллаган бўлса, Зарина Шемданова қора белбоғ 3-ДАН соҳиблари орасида энг юқори натижага эришиб, олтин медалга сазовор бўлди.

Қора белбоғ 2-ДАН соҳиблари ўртасида бўлиб ўтган тул мусобақаларида Мухаммадсиз Турсунов кумуш медал билан тақдирланди, жамоавий тул бахсларида эса терма жамоамиз 2-ўринни қўлга киритди.

Жаҳон кубогидаги ягона бронза медалга Ақобирхўжа Тўлқинов (45 кг.) спарринг бахсларида сазовор бўлди.

### Кучлилар Осиё чемпионатида қатнашди

Пойтахтимиздаги "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуасида кикбоксинг бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Унда 300 нафардан зиёд спортчилар 28 медаллар жамланмаси учун рингга чиқди.

17 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида пойтахтлик Абдужалил Исроилхўжаев, Қозим Саидзимов, андижонлик Хусан Абдуллаев, нанманганлик Бобур Акбаралиев, сирдарёлик Рўзимурод Тўрақулов, бухоролик Дилшод Исломов каби истеъдодли спортчилар шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Хотин-қизлар мусобақасида пойтахтлик Шаҳноза Низомова, Шаҳноза Раҳматуллаева, Шайбон Александрога, Андижон вилоятидан Асалоӣ Норматова ҳамда Юлдуз Хайдаровага

олтин медал насиб этди.

Катталар ўртасидаги беллашувларда тошкентлик Нодир Исроиллов, Жамол Салимжонов, Аҳмад Алимбеков, Баҳодир Машарипов, Аҳтиёр Муртозоев, сирдарёлик Дилшод Содиков ва навоийлик Даврон Қосимов сингари моҳир кикбоксинг усталари мамлакат чемпионлигига сазовор бўлди.

Умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри спортчилари ғолиб чиққан бўлса, Андижон вилояти терма жамоаси иккинчи, Сирдарё вилояти вакиллари учинчи ўринни эгаллади.

Миллий чемпионат якунига кўра, Ўзбекистон терма жамоаси сафига қабул қилинган маҳоратли спортчилар Осиё чемпионатида қатнашди.

### ЭЪЛОН!

Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан Рузиев Мансур номига 2011 йилнинг 3 октябрыда берилган 34315 рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

### Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

"Радиоалоқа, радиоэпиттириш ва телевидение маркази" ДУК жамоаси Сурхондарё радиотелевидение узатиш маркази директори Маматмусо Лолахоновга укаси **Абдумўмин ЛОЛАХОНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Дармондорилар, яъни витаминлар барча ёшдаги инсонлар учун ўта зарур ҳисобланиб, кунлик истеъмол қилинадиган таомлар таркибида албатта бўлиши шарт. Чунки улар организм ҳужайраларида кечаётган жараёнларни тезлаштириш, ўта зарурий бўлган моддалар — ферментлар ҳосил қилиш каби кўплаб вазифаларни ўтади. Витаминларнинг асосий манбалари табиий ўсимликлар ва чорва истеъмол маҳсулотлари ҳисобланади.

## Дармондорилар



Витамин еўзи лотинчадан олинган бўлиб — *vita amine*, яъни "ҳаётний амин" деган маънони билдиради. Сўзнинг бундай атилишига дастлаб кашф қилинган витаминнинг таркибида аминогруҳ ҳам мавжуд бўлганлигидир. 1912 йилда поляк олими Казимир Функ бундай ҳаётний ўта зарур моддалар кимёвий таркибини ўрганиб уларни витаминлар деб атаган.

Инсон организми нормал ривожланиши учун витаминлар муҳим аҳамиятга эгадир. Улар саломатлик гаровидир. Витаминларнинг организмда доимо бўлиши ва ижобий таъсир килиши учун оватланиш тартибига риоя қилиш керак.

Витаминларни табиий ҳолда истеъмол қилиш уларнинг дориворлар ҳолида истеъмол қилинишига қараганда фойдалироқ. Шунинг учун витамин препаратларини қабул қилиш энг охириг чора-тадбир ҳисоблангани афзал.

### Унутманг:

- Овқат таркибида турли маҳсулотларни истеъмол қилиш организмга витаминлар мажмуини бериши мумкин.
- У ёки бу витаминнинг овқат таркибида йўқлиги, бошқа витаминларнинг ҳам яхши ҳазм бўлишига тўсқинлик қилади.
- Овқатга фақат янги, бузилмаган сара маҳсулотлар ишлатиш керак. Чунки улар витаминларга бой бўлади.
- Овқат таркибида янги сабзавотлар, кўкатлар ва мевалар кўп бўлиши керак. Уларни яхлит ҳолда истеъмол қилиш пишириб егандан кўра фойдалироқдир.
- Каротин, А, К ва D витаминлари овқатда етарли даражада ёғ микдори бўлсагина ҳазм бўлади.
- Тайёр таомларни кўкатлар, зирворлар билан безатиш керак. Улар овқатни витаминлар билан бойитиб, унинг таъми ва мазасини оширади.
- Куз-киш мавсумида консервалangan сабзавотлар ва меваларни истеъмол қилиш овқат таркибини витаминлар билан бойитади.
- Сув ўрнига бир пиёла совиган кўк чой ичиш организмнинг Р витаминига суткалик талабини қондиради. Бундан ташқари, чой организмда сув-туз алмашинувига ижобий таъсир кўрсатади.
- Овқатланишда Р витаминининг етишмовчилиги оқибатида эса С витамини ҳам яхши ҳазм бўлмайди.
- Агар углеводларга бой овқатлар ейилса В гуруҳ витаминларини ҳам кўпайтириш мақсадга мувофиқ.
- Болалар ва ўсмирларнинг кундалик овқатлари таркибида D витамини бўлган маҳсулотларга алоҳида ўрин ажратилиши шарт.
- Маккажўҳорида никотин кислотасининг аксари қисми бириккан ҳолда бўлгани учун инсон организмга етарлича сўрилмайди.
- Наъматакнинг пишган меваларида С витаминини парчалайдиган аскорбиназа ферменти йўқлиги туфайли ҳам қони фойдадир.
- Мевалар фарқ пишиб кетганда эса улар таркибидаги С витамини камаяди.
- Ичимлик сувидаги хлор ҳам маҳсулотлардаги С витаминини парчалаб камайишига олиб келиши билан хатарлидир.

# Сканворд

Тузувчи: С. ТЕМИРОВ

Курорт (Крим)    Ақраб    Мобил алоқани (Россия)    Навоий асари

Она кўшиги    Кийим қисми    Ҳомий    Оптин (Кино-музефот)    Энг чуқур қул

Машҳур давлатчи    Дастурлаш тили    Исм    Алифбо (ингл.)    Муслмонлар байрами

Балиқ "кафаси"    Амфибия    CD...    Қурилиш аҳеси    Океан

Бошоқли экин    Кишкк кийим    Давлат (Африка)    Тоқмақдл (ш.)    Умр ... (қисм)    Қимматбаҳо тош

Рақс    Мустақкам    Мева    ...бобо    Дуранг (шаҳмат)    Эман    Миф қазрамон    Буюк композитор

Грузиндаги дарё    Бино    Катта    Шаҳмат сипохи    Афсон тоғ (يونон.)    Одиссей подшоҳ лиги    Дедалнинг угли    Килограмм

Оскар ... (ёзувчи)    Еввоий куй    Образ ("Отелло")    Киспорд

## Хотин-қизлар музейи

Германияда дунёда биринчи марта хотин-қизлар тарихига оид музей очилди. Бонн шаҳрида ташкил этилган мазкур янги музей "Хотин-қизлар тарихи уйи" деб номланди. У дунё аёлларининг жамиятда қўлга киритган муваффақиятлари ҳақида ҳикоя қилади.

Ушбу музейда узок ўтмишдан ҳозирги даврга қадар хотин-қизларнинг жамият ва давлат қурилишида тутган ўрни рангбаранг экспозицияларда акс эттирилган.



BU — QIZIQ!

## Табриклаймиз!

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси Кўқон шаҳар ва Кува туман телекоммуникациялар боғламалари ходимлари Жумабой НИЗОМОВ ҳамда Алимасхон ЭШМАТОВАларни 50 ёшлик таваллуд айёмлари билан чин юракдан табриклайди. Уларга сиҳат-саломатлик, узок умр, фарзандлар камолини кўришини тилайди.

|   |  |  |  |  |  |
|---|--|--|--|--|--|
| <h1>Xabar</h1> <p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ</p> <p><b>Бош муҳаррир:</b><br/>Абдусайд КўЧИМОВ</p>  |  | <p><b>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:</b><br/>Хуррид МИРЗАХИДОВ (Ҳайъат раиси), Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Миродил САНГИЛОВ, Махсум МАХМУДОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шомансур АБИДХОЛЖАЕВ, Сувои НАЖБИДДИНОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфило ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p> <p>Тахририятга келган кўлэзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p> |  | <p><b>МАНЗИЛИМИЗ:</b></p> <p>100043, Тошкент, Бунёдор шоҳқўчаси, 8-уй.<br/>Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.<br/>Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Обуна индекси — 228.</p> <p>Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.<br/>Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ.<br/>Навбатчи: Лутфило ТУРСУНОВ.</p> |  |
| <p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда бўйхатта олинган.</p>   |  | <p>Газета ҳафтаини жума кунини чиқади</p> <p>"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.<br/>Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.</p>   |  | <p>G-1152 сонли буюртма. Оффсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 13734 нуска.</p>  |  |
| <p>Вилоят муҳбирлари:</p> <p>Андижонда 226-47-80    Бухорода 223-27-85    Гулистонда 40-12-19    Жиззахда 226-06-34    Навоийда 225-91-10    Наманганда 232-97-86    Нукусада 554-35-45    Самарқандда 233-61-81    Термизда 224-06-12    Тошкентда 288-40-66    Урганчда 226-37-16    Фарғонада 224-91-56    Қаршида 931-08-99</p> |  | <p><b>ISSN 2010-6424</b></p> <p>Босишга топширилди — 20.00.<br/>Босишга топширилиш вақти — 20.00.</p>  |  | <p>2 3 4 5</p>   |  |